O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил 10 январь СЕШАНБА

№ 3 (11.806)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

*Мавсум тадориги*

## ТЕХНИКА ЎЗИНИ ОҚЛАЙДИ

**Деҳқончиликни, айниқса, муҳим тармоқ ҳисобланган пахтадан мўл ва сифатли ҳосил етиштириш жараёнини мукаммал, қудратли қишлоқ хўжалик техникаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Мустаҳкам, етарли техник базага эга бўлган ширкат ва фермер хўжаликларигина хом ашё етиштириш бўйича шартнома режаларини ўз вақтида, ортиқча қийинчиликсиз бажариб келаётганлиги ҳам сир эмас.**

Хусусан, Бўка туманидаги «Ачамайли» ширкати ана шундай техник таъминотга эга, уни асраб-авайлаш ва йилма-йил бойитиб боришга жиддий ёндошадиган хўжаликлардан экани кўпчиликка маълум. Айнан шунинг учун ҳам бу ерда режалар ортиғи билан адо этилиб, хўжалик иқтисоди бир маромда барқарорлашиб бормоқда.

Чунончи, ўтган йили ғалла топшириш бўйича тузилган контрактация шартномаси қисқа муддатда уддаланиб, умумий хирмон 2600 тоннадан ошди. Қарийб 560 тонна «Крошка» нав уруғлик ҳам хўжаликнинг ўзида етиштирилди. 59 нафар пахтакор пудратчилар ҳам мавсумни ёруғ юз билан якунладилар. Улар қарамоғидаги далаларда етиштирилган мўл ва эртаки ҳосил ҳисобига, хўжалик тармоқдаги мажбуриятини туманда биринчилар қаторида бажаришга эришди. Қабул пунктларига 1632 тонна ўрнига 1778 тоннадан ортиқ қимматбаҳо хом ашё етказилди. Бу режа қарийб 110 фоиз уддаланганидан далолатдир.

Шунга яраша манфаатдорлик ҳам салмоқли бўлгани табиий. Ғазнага келиб тушган ялпи даромад 817 миллион, соф фойда эса 275 миллион сўмдан юқори бўлди. Яхши ҳосилдорликка эришган ва агротехник тадбирлар ҳамда йиғим-терим каби масъулиятли жараёнда алоҳида хизмат кўрсатган илғорлар меҳнати ҳам муносиб рағбатлантириб борилди. Якуний ҳисобот йиғинида ана шундай аъзолардан яна бир гуруҳи қимматбаҳо совғалар ва мукофотлар билан тақдирланиши режалаштирилган.

— Айни вақтда 590 гектар майдонда ғалла етиштирмоқдамиз, — дейди хўжалик бош ҳосилоти Алишер Умиров. — 72 пудратчимиз доимий ғалла етиштириш билан шуғулланиб келаётганликлари боис, бу борада муайян тажриба орттириб улгурдилар. Улар бу йилги ҳосилдорликни яна камида 2-3 центнерга кўтариш умидидалар.

Ширкат хўжалиги аъзолари ҳар йилги анъаналарига содиқ қолган ҳолда, техникани мавсумга созлаш, жорий таъмирлашга эрта киришиб, бугунгача мавжуд 14 та чопиқ, 30 та транспорт, 6 та ҳайдов тракторлари, 35 та тиркама ҳамда 8 та сеялка, 4 та НРУ ва ОВХ пуркама воситаларини мавсумга шай ҳолга келтирдилар. Улар хўжалик машина-трактор саройидаги ёпиқ бостирмаларга тартиб билан териб қўйилди. Якунланган йилда эришилган фойда ҳисобига улар сафи яна кенгайди. 2 та ВТ-150 ва 3 та ТТЗ-80 тракторлари сотиб олинди.

**Ғ. РАҲМАТУЛЛАЕВ.**





***СУРАТЛАРДА:*** *чилангар Азиз Асқаров иш устида; туман МТП раиси муовини Пўлат Абдулазизов, хўжалик бош муҳандиси Шуҳрат Қўшбоев ҳамда механик Ғойибназар Саидғаниев таъмирдан чиққан техникаларни кўздан кечирмоқдалар.*

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

*Ер эгаси эртага ким бўлади?*

## АДОЛАТ — ХОЛИС МЕЗОН

**Бутун мамлакатда бўлгани каби вилоятимизда ҳам фермер хўжаликлари ташкил этиш бўйича ўтказилаётган тендер танловлари авж босқичига кўтарилмоқда. Айни дамда қишлоқ хўжалигидаги энг долзарб ислоҳотлар сифатида баҳоланаётган ушбу жараённинг бориши, унда адолат тамойилларини таъминлаш билан боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирлар ижроси, жойларда йўл қўйилаётган нуқсон ва камчиликлар хусусида мулоҳаза юритиш мақсадида вилоят прокуратураси қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Муҳиддин Қиёмовга бир неча саволлар билан мурожаат қилдик.**

— Мамлакатимиз Президентининг 2005 йил 8 ноябрдаги «2006 йилда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)ни фермер хўжаликларга айлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги»ги қарори бу йил истиқболли тармоқни шакллантириш, ривожлантириш, кенгайтириш, шу тариқа аграр соҳа самарадорлигини оширишда яна бир муҳим ва дадил қадам бўлди, десак хато бўлмайди, — дейди Муҳиддин Қиёмов. — Ўтган қисқа фурсат ичида мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси бўйича вилоятимизда қатор чора-тадбирлар амалга оширилди ва бу жараён ҳануз давом этмоқда.

Аввало, қарорда фермер хўжаликлари ташкил этишнинг муҳим жиҳатига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, фермер хўжаликлари ташкил этишда шу ҳудудда яшовчи, меҳнат фаолияти ва тирикчилигини ер билан боғлаган ҳақиқий деҳқонлар ҳақ-ҳуқуқларининг устуворлигига, танловларни адолатли, очиқ-ошкора, қонунийлик асосида ўтказишни таъминлаш ўта муҳим вазифа эканлигига урғу берилган. Шунингдек, Юртбошимизнинг Халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида ҳам бир қатор туманларда худди шу жабҳада сусткашлик, ўзибўларчилик ҳоллари билан бирга мутасадди ва мансабдор шахслар томонидан суиистеъмолчилик, таъмагирлик, ер ва бошқа бойликларни талон-торож қилиш каби хунук иллатлар учраётганлиги кескин танқид остига олинди. Айни ҳол вилоятимизда соҳага оид ислоҳотлар ривожига тўсқинлик қилаётган ҳар қандай ҳолларга қарши муросасиз курашиш зарурлигини кўрсатади.

(Давоми 3-бетда).

**ВИЛОЯТ ҲАЁТИ**

## НАВБАТ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА

**Қишки таътил бўлишига қарамай, илм-фанга чанқоқ ёшларимиз ўз иқтидорларини синаш мақсадида фан олимпиадаларида иштирок этиб, билимларини мустаҳкамламоқдалар.**

Вилоятимизнинг барча ўқув юртларида 19 та фан бўйича республика олимпиадасининг 3-вилоят босқичи бўлиб ўтмоқда. Вилоят халқ таълими ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари ҳамкорлигидаги навбатдаги тадбир Қибрай қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежида ўтказилди.

Бу галги олимпиадада аввалгиларидан фарқли ўлароқ, мактаб ўқувчилари синовларда касб-ҳунар коллежи, академик лицей талабалари билан бирга иштирок этишмоқда. Имтиҳонларни холис ўтказиш мақсадида Давлат тест марказидан вакиллар ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши аъзоларидан тузилган 30 кишидан иборат назоратчилар таклиф этилган.

Танловда вилоятимиздан жами 1177 нафар ўқувчи 19 та фан бўйича ўзаро билимларини синовдан ўтказди. 7 та фан бўйича вилоят босқичининг ғолиблари Республика олимпиадасининг 4-якунловчи босқичига йўлланмани қўлга киритдилар. Унда юқори балларга эга бўлган мактабнинг 11-синфи ҳамда коллеж ва лицейларнинг 3-босқич талабалари хоҳлаган йўналишлари бўйича республика олий ўқув-юртларига имтиҳонсиз кириш ҳуқуқига эга бўлсалар, мактабнинг 10-синф ва коллеж, лицейларнинг 2-босқич талабалари кейинги йилги олимпиаданинг вилоят босқичида қатнашишга йўлланма оладилар.

**Мўмин ИБОДОВ.**

*Янгилик*

## ВИЛОЯТ МЕТАЛЛУРГЛАРИГА СИБИРЛИКЛАР МУКОФОТИ

**«Ўзметкомбинат» очиқ акциядорлик комбинати бош директори А. Фармонов ва Олмалиқ кон-металлургия комбинати (ОТМК) бош директори Қ. Санақуловлар Томск политехника университетининг 100 йиллиги муносабати билан чиқарилган юбилей медалига сазовор бўлдилар. Шунингдек, А. Фармонов ва Қ. Санақуловларга Россия олийгоҳининг дипломлари ҳам топширилди.**

— Бу мукофотлар «Ўзметкомбинат» ва ОТМК маҳсулотлари юксак технология асосида ишлаб чиқарилаётгани ҳамда жаҳон андозаларига мос эканлигидан далолат беради. Бунда албатта, дунёдаги бошқа ҳамкорларимиз қатори Томск политехника университети олимларининг ҳам ўзига хос ҳиссалари бор. Биз улар билан юксак малакали кадрлар тайёрлаш борасида ҳамкорлик қилаяпмиз, — деди ОТМК бош директори Қ. Санақулов мукофотни топшириш маросимида.

Олмалиқлик ва бекободлик металлурларнинг фикрича, кейинги йилларда бу турдош корхоналарнинг ҳамкорлиги тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Қ. Санақуловнинг сўзларига қараганда, ОТМК фақат бекободликлар тайёрлаган зўлдирлардан юксак унум билан фойдаланмоқда. Шуни айтиш жоизки, бир неча йиллар илгари хориждан сотиб олинадиган бундай зўлдирларга жуда кўп валюта сарфланарди. «Ўзметкомбинат» ишлаб чиқараётган мазкур маҳсулотнинг сифати хорижликларникидан асло қолишмайди. Демак, Олмалиқ миси ва полиметаллари ишлаб чиқарилиши ривожида бекободлик металлургларнинг ҳам ўзига хос улушлари бор.

**Ойсанам ХАЙИТМЕТОВА.**

**Ватанимизнинг бош майдони йилдан-йил кўрку чирой очиб, ажиб манзара касб этмоқда. Унга туташ "Туркистон" саройи йирик тадбирлар ўтказиладиган асосий мажмуалардан бирига айланган бўлса, истиқлол ва миллий давлатчилигимизнинг яна бир рамзи – Сенат биноси майдондаги улуғворликни янада оширди. Хотира ва қадрлаш майдони ҳам худди шу ерда жойлашган.**

## ЭЗГУ ОРЗУЛАРНИНГ ЯНА БИР ИЖОБАТИ

Буларнинг барчаси Мустақиллик майдонига келган ҳар бир ватандошимиз қалбида истиқлол ғояларига садоқат, Ватанимизнинг порлоқ келажаги йўлида фидоийлик, аждодлар руҳига ҳурмат-эҳтиром туйғуларини жўш урдириши аниқ.

2005 йилда ҳам Мустақиллик майдонида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан майдонга кираверишда Эзгулик аркаси барпо этилди. Кундузи офтобда, қош қорайганда эса беҳисоб чироқларнинг нурларида жилоланадиган музайян устунлар, уларнинг устидаги лайлаку турналар, Мустақиллик монументи сари бошловчи оппоқ мармар йўлак дилларда эзгу туйғуларни уйғотади.

Эзгулик аркасининг очилишида мамлакатимиз раҳбари яна бир олижаноб таклифни илгари сурган эди. Майдонга келган ҳамюртларимиз, айниқса, мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшларимиз мана шу аркадан ўтиб, оппоқ йўлакдан қадам ташлаб, бир мўътабар сиймо олдига борсалар, ҳаяжон ва севинчга тўла қалбларидан яна бир бор эзгу орзу-истакларини ўтказсалар, ўзларига ва ўзгаларга бахт, Ватанига гуллаб-яшнашни тиласалар...

Янги йил арафасида Мустақиллик майдонида ана шундай монумент очилди. Унинг очилишида Президент Ислом Каримов Бахтиёр она ҳайкалининг Мустақиллик монументи олдига ўрнатилишида алоҳида рамзий маъно борлигини таъкидлади. Мустақил, ўз истиқлолини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашга қодир халқ бахтли бўлишга ҳақлидир. Мамлакатимиз раҳбари бу мажмуани Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аташни таклиф этди.

Янги – 2006 йил тантаналари давом этаётган шу кунларда мамлакатимизнинг бош майдони янада гавжумлашган. Айниқса, мустақил ҳаётга энди қадам қўяётган ёш келин-куёвлар учун бу айём қўшалоқ байрамга айланган. Улар Эзгулик аркасидан ўтиб, оппоқ йўлаклардан Мустақиллик ва эзгулик монументи сари одимлайдилар, унинг пойига гуллар қўядилар. Ўзларига, ўзгаларга бахт, элу юртимизга омонлик, хотиржамлик тилайдилар. Янги йил, янги ҳаёт, янги оила, янги эзгу туйғулар...

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Ватан ҳимоячилари куни олдидан*

## МУҚАДДАС БУРЧ

**Мамлакатимизда ўтаётган оммавий ватанпарварлик ойлиги тадбирларидан бири Қибрай туманидаги ҳарбий қисмда бўлиб ўтди.**

Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган митингда ҳарбий қисм раҳбарлари, офицерлар, туман ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Сўзга чиққанлар Ватанни ишончли ҳимоя қилиш ҳарбий хизматчиларнинг масъулиятли бурчи эканлигини таъкидлаб, аскарларни байрам билан қутладилар. Митингдан сўнг маънавий-маърифий мулоқот бошланди. «Маънавият ва маърифат» маркази вилоят бўлими, Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти вилоят кенгаши ҳамда Қибрай тумани ҳокимлиги томонидан ташкил этилган тадбир «Миллий армия — мустақиллигимиз таянчи» мавзуини қамраб олди.

Учрашувда асосий диққат-эътибор миллий мафкура ва Ватан ҳимояси мавзуига қаратилди. Жамиятда ҳарбий қисм ва бўлимларда хизматнинг боришига, аскар ўғлонларимизнинг жанговар ҳаётига қизиқиш ва хайрихоҳлик туйғулари янги-янги кўринишларда намоён бўлаётганлиги таъкидланди. Қибрай тумани Маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ўз қўшиқлари билан даврага файз киритишди.

Байрамолди тадбирлари вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этаётир.

**Шавкат ҚУЛИБОЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»**
**мухбири.**

**Мустақил юртимиз келажагини мард ва жасур, ватанпарвар ёшларимиз қурадилар. Шунинг учун ўсиб келаётган ҳар бир ёш онгига мана шу юксак туйғуларни сингдириш айни куннинг талабидир. Шу мақсадда жойларда оммавий ватанпарварлик тадбирлари кенг кўламда ўтказилмоқда.**

## ҲАРБИЙ ҚИСМДА УЧРАШУВ

Жумладан, Чирчиқ автомобиль мактаби курсантларининг Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида суҳбат-учрашуви ташкил этилди. Шунингдек, улар шаҳардаги ҳарбий қисмларнинг бирида бўлишиб, аскарлар ҳаёти билан яқиндан танишишди.

— Учрашув курсантларимизда катта таассурот қолдирди, — дейди шаҳар автомобиль мактаби директори, подполковник Наврўзбек Мирзаев. — Улар ҳарбий қисмда ўқув-машғулотлар ва бошқа амалий жараёнлар билан яқиндан танишишди. Шунингдек, ташкилотнинг «Шон-шараф» музейида ҳам бўлдилар.



***СУРАТДА:*** *ҳарбий қисм кутубхоначиси Ҳилола Турсунматова автомобиль мактаби курсантлари билан мулоқот пайтида.*

**Еркебой БОТИРОВ**
**олган сурат.**

## МУРУВВАТ

**Оҳангарон шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ҳомий корхоналар билан ҳамкорликда кам таъминланган оилаларнинг 120 вакилига ҳамда ўз уйида ўқитилаётган 20 нафар ногирон болага совғалар тақдим этди.**

«Саховат» қариялар уйида ҳамда «Мурувват» ногиронлар уйида эса байрам дастурхони ёзилиб, концерт намойиш этилди. Мазкур тадбирларда — «Оҳангаронранглицемент», «Оҳангаронцемент», «Оҳангарондон» очиқ акциядорлик жамиятлари, «Айлин» қўшма корхонаси, «Нур» хусусий фирмаси жамоалари фаол қатнашдилар.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

**2006 йил учун обуна давом этмоқда**

**«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетасининг индекси – 205.**

# МАМЛАКАТ ҲАЁТИ

## САХОВАТПЕША ИНСОНЛАР

**Янги йилнинг дастлабки кунлариданоқ ҳомийлик ва меҳр-оқибат фазилатларини намоён этаётган юртдошларимиз сафи кенгайиб бораётир.**

Қорақалпоғистон Республикасида шу кунларда саховатли ҳомийлар томонидан 18 минг нафардан зиёд кам таъминланган оилалар болаларига, ногирон ва қарияларга, "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиларига 15 миллион 700 минг сўм миқдорида ёрдам кўрсатилди.

## ЎЗБЕКИСТОН-ЭРОН БИЗНЕС ФОРУМИ

**Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Эрон ишбилармонларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Эрон Ислом Республикасининг юртимиздаги элчихонаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда икки мамлакат савдо-саноат ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди.

Музокаралар икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган кооперация биржасида давом эттирилди. Унда икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтириш, биргаликда янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама этилди.

## ҚУРИЛИШ ДАВОМ ЭТЯПТИ

**"Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон" темир йўли қурилиши жадал давом этмоқда. Ушбу йўлнинг учинчи босқичида 104 километрлик масофага пўлат из ётқизилади.**

Маълумки, янги темир йўлнинг Тошгузар-Деҳқонобод, Қумқўрғон-Бойсун қисмлари ўтган йилларда қуриб битказилган эди. Қурилишнинг учинчи, энг мураккаб босқичи – Деҳқонобод-Бойсун оралиғидаги тоғлар, даралар, адирликлар оша ўтадиган қисмида қурилиш ишлари жадал давом этмоқда. Бош пудратчи – "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг қурувчилари, муҳандис-техник ходимлари Қорадаҳна ҳамда Чашмаи Хафизонгача бўлган 23 километрлик масофада ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқда.

**ЎзА.**

## "ЛИБОС-ТЕКСТ" МАҲСУЛОТЛАРИ

**Қўқон шаҳрида яна бир замонавий ишлаб чиқариш мажмуаси маҳсулот ишлаб чиқаришга киришди.**

Умумий қиймати 350 минг АҚШ доллари миқдорида хорижий сармоя жалб этилган корхонада асосан чақалоқ, болалар ва ўсмир ёшлар, қизлар ва эркаклар учун кийим-кечак ва спорт либослари тайёрланади.

Эътиборли жиҳати, янги тармоқнинг ишга тушиши натижасида 500 нафардан зиёд маҳаллий ёшлар янги иш ўринлари билан таъминланди.

Ишлаб чиқариш тармоғининг янги режалари улкан. Бу йилда маҳсулот ишлаб чиқариш турлари 1500 тага етказилиб, 6 миллион сўмдан ортиқ халқ истеъмоли моллари тайёрланади, маҳсулотнинг асосий қисми четга экспорт қилинади.

**"Туркистон-пресс"**

### *2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

**"Экосан" халқаро ташкилотида Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган тадбир ўтказилди. Унда тиббиёт ходимлари, "Маҳалла" жамғармаси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари иштирок этди.**

## «ЭКОСАН»НИНГ ЯНГИ ДАСТУРИ

Тадбирда таъкидланишича, 2005 йилда жамғарма томонидан асосан Тошкент шаҳри ва вилоятида яшовчи кам таъминланган оилалар, ногиронлар, туғруқхона ва шифохоналар, мактаб-интернатлари ва меҳрибонлик уйларига инсонпарварлик ёрдамлари кўрсатилди. Ҳомийлар ва шифокорлар йили муносабати билан «Экосан» — Ҳомийлар ва шифокорлар йилида" деб номланган дастурини ишлаб чиқди. Мазкур дастур доирасида ҳомийлик ёрдамларини кўрсатишни янада кенгайтириш, экологик ноқулай минтақаларда жойлашган соғлиқни сақлаш муассасаларига "Экосан саломатлик поездлари" орқали хайрия ёрдамлари ташкил қилиш режалаштирилган.

**«Туркистон-пресс».**

## ПОКИЗА ҚАЛБ СИФАТЛАРИ

**Мустақиллик шарофати билан ҳар бир Янги йилга муносиб ном берилиши анъанага айланиб қолди. Ўн йилдирки, улкан ижтимоий масалаларни ижобий ҳал этишга қаратилган, бир-бирига мантиқан боғлиқ кенг қамровли давлат дастурлари қабул қилинмоқда.**



Уларнинг барчаси ўзининг чуқур маъно ва фалсафаси, ижтимоий йўналиши билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий равнақи, изчил юксалиши йўлидаги саъй-ҳаракатларга илҳом бағишламоқда.

2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш ва улуғлашга бўлган эътиборнинг навбатдаги поғонаси бўлди. Бу қарорда инсонни улуғлаш, қадр-қиммат, ҳурмат ва ғамхўрлик, беғараз ёрдам кўрсатиш ғоялари ўз ифодасини топган.

Ҳомийлик ҳаракати учун бизда барча асос ва имкониятлар мавжуд. У бизнинг миллий қадрият, урф-одат ва расм-русумларимизга хос бўлган, халқимизнинг қони, онги ва тафаккурига сингиб кетган юксак инсоний фазилатлардан ҳисобланади. Бинобарин, ожиз ва муҳтожларга раҳнамо бўлиш, кекса, етим ва қаровчиси йўқларга ҳимматли ва меҳрибон бўлиш энг улуғ ишдир.

Буюк Алишер Навоий дейдиларки, кишилик боғининг ҳосилдор дарахти — бу саховат, у шу дарахтнинг ширин меваси. Одамгарчилик ўлкасининг тўлқинли дарёси, шу дарёнинг асл гавҳаридир. Бундай фазилатли инсонларнинг кароматли шундаки, одамларга ҳамиша яхшиликни ихтиёр этиб, муҳтожлар кўнглини шод айлаб, ўзлари эса янада шараф ва мартабага муяссар бўладилар.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, саховатли ва беғараз ҳомийларнинг олижаноб ишлари инсон дардига малҳам бўлиб, унинг ғаму ташвишларига шерик бўлиб яшайдиган фидойи шифокорлар фаолияти билан ҳар томонлама ҳамоҳанг ва узвий боғлиқлиги ҳам айни муддаодир.

Ўзларининг жасорати, фидойилиги ва фикрларининг тиниқлиги билан элга азиз ва мукаррам бўлган шифокорлик касби барча санъатлар ичида энг олижаноб санъатдир. Уларнинг мўъжизакор санъати беморларга нисбатан бўлган диққат-эътиборлари, ғамхўрлик ва меҳрибонликлари, очиқ чеҳра билан кўнглини кўтара билишларида намоён бўлади.

Ширинсўз, хушфеъл, эл ҳурматига сазовор бўлган тиббиёт ходимларининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» дастурини ҳамжиҳатлик ва якдиллик билан юқори даражада амалга оширишлари учун барча зарур шарт-шароитлар мавжуддир.

**Эркин ҒУЛОМОВ,**
**республикада хизмат кўрсатган ёшлар устози.**

**Республикамиз ҳукумати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, янада эркинроқ ишлашлари учун кўплаб имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш борасида тинимсиз ғамхўрлик қилмоқда.**



## ЭЛ ДАРДИГА ДАРМОН БЎЛИБ

Айниқса, Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари ўз иқтидори ва салоҳиятини намойиш қилишга бел боғлаган ишбилармонлар ва кенг жамоатчилик томонидан маъқуллаб кутиб олинди. Чунки, бу билан тадбиркорлик тузилмаларининг эркин фаолият кўрсатишлари учун янада қулай шароитлар вужудга келтирилди.Бундан биз ҳам тўла фойдаланишга ҳаракат қилмоқдамиз. Шу Фармонлар туфайли асосий вақтимизни тиббий хизмат маданиятини оширишга сарфлашга ажратаяпмиз.

Бундан олти йил муқаддам иш бошлаган «Архимед» хусусий клиникамиз бугунги кунда бекободликларга баҳоли қудрат хизмат кўрсатувчи муассасалардан бирига айланди. Эҳтиёж тақозоси билан бунёдга келган хусусий клиника ҳозир шаҳар аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилиш, ташхис қўйиш ва тиббий муолажалар кўламини янада кенгайтириб бормоқда.

Бугунги кунда клиникамиз шаҳардаги тиббий «Чермет» акциядорлик жамияти билан рақобатбардош корхонага айланиб қолди. Зеро, Президентимизнинг Конституция кунига бағишланган йиғилишдаги «Муқаддас Қуръони Каримда зикр этилган «Хайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг» деган ҳикматли сўзларда қандай чуқур маъно борлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз», деган сўзлари фаолиятимиз мезонига айланиши керак.

Ҳозир бизга шифо истаб келаётган шаҳарликлар бир пайтнинг ўзида рентген диагностикасидан, ошқозон-ичак йўлларини эндоскопик ҳамда лаборатория текширувидан фойдаланишлари мумкин. Лабораторияда барча турдаги таҳлиллар олиниб, аниқланган хасталик шу ернинг ўзида даволашга киришилади. Бундан ташқари клиникада сил касаллигига чалинган беморларга ташҳис қўйилади ҳамда улар тажрибали шифокорлар муолажасидан баҳраманд бўладилар. Бу ерда фаолият кўрсатаётган стоматология бўлими ҳам доим мижозлар билан гавжум.

Павел Ли, Сайёра Султонова, Наталя Мамедова, Раҳимжон Соҳибов, Тоҳир Собиров сингари тажрибали терапевт ва рентгенологлар, Турдимурод Қодиров, Абдураҳим Ғаффоров каби ўз касбининг устаси бўлган стоматологлар хизматидан кўпчилик мамнун.

Келгуси режаларимиз янада улкан. Яқин кунларда клиникамиз қошида физиотерапия бўлимини очмоқчимиз. Шунингдек, қўшимча лор, окулист, невропатолог, гинеколог сингари мутахассис шифокорларни жалб этиб, хизмат турларини янада кенгайтирамиз. Айни пайтда клиникамизни замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш ҳам режада турибди. Бу тадбирларни Ҳомийлар ва шифокорлар йилида амалга ошириш учун барча имкониятларни ишга соламиз.

**Исомиддин ЧИНОВ,**
**Бекободдаги «Архимед» хусусий клиникаси раҳбари.**

КРЕДИТ:

## МАЖБУРИЯТ ВА ИМКОНИЯТ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 23 апрелда қабул қилинган "Қарз олувчиларнинг кредит тарихи тўғрисидаги ахборотни ҳисобга олиш тизимини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори банк тизимида молия интизомини янада мустаҳкамлаш ва кредит операциялари борасидаги таваккалчиликларни кескин камайтиришга қаратилган.**

– Мазкур қарорга кўра, тижорат банкларини қарз олувчилар ҳақида ахборот билан таъминлашнинг халқаро тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, Марказий банк ҳузурида Кредит ахбороти миллий институти ташкил этилди, – деди ушбу муассаса директори Нурали Холмуродов. – Қарз олувчининг кредит тарихини билиш банкларнинг ишини анча енгиллаштиради, юз берадиган кредит таваккалчилигини камайтиради, уни қайтармаслик хавфининг олдини олади.

Мижознинг олдинги қарзлари бўйича тўлов интизомини қай даражада бажаргани ҳақида ахборотга эга бўлган тижорат банки кредит ажратиш юзасидан тўғри ва аниқ хулоса чиқариши, табиий. Шунингдек, кредит тарихи берилаётган кредитлар сифати ва самарадорлигини янада ошириб, уларни мамлакатимиз иқтисодиётининг устувор йўналишларини ривожлантиришга қаратилган лойиҳаларга ажратилишида муҳим омил бўлади. Иқтисодиётнинг реал секторига, айниқса, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий маблағларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имкониятини кенгайтиради.

Ҳозир институтимиз банклар кредит портфели ҳолатининг таҳлили ва кредит ахборотининг ягона реестрини юритиш билан шуғулланяпти. Тижорат банкларига шартнома асосида кредит ахборотини етказиб бераяпти.

Энг муҳими кредит тарихини юритишда қарз олувчидан қўшимча ҳеч қандай маълумот ёки ортиқча ҳисобот талаб қилинмайди. Шунингдек, маълумотларнинг учинчи шахсларга берилишига йўл қўйилмайди. Тижорат банклари ҳам берилган маълумотларни сир сақлаш мажбуриятини олган.

**ЎзА.**

## БОЗОР ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

**Чирчиқ шаҳридаги марказий деҳқон бозори янгича кўриниш касб этмоқда. Шаҳар ҳокимлиги, «Тошвилоятбозорсавдо» уюшмаси, «Саноаттехмонтаж», «Шоҳона-сервис» қурилиш ташкилотлари ҳамда тадбиркорларнинг ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатлари билан бозор ҳудудида кенг кўламда қурилиш-таъмирлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.**

— Аввало, намунали савдо маданиятини шакллантиришга ҳаракат қиламиз, — дейди «Чирчиқ деҳқон бозори» масъулияти чекланган жамияти раиси Миррустам Одилов. — Бунинг учун савдо жойлари тартибли, қулай шарт-шароитларга эга, озода, хавфсиз бўлмоқлиги талаб этилади. Сотувчи ва харидорлар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда 60 та турғун савдо шаҳобчаларини қуриш жадал бормоқда. Лойиҳада 250 миллион сўмлик иш бажариш режалаштирилган. Шу кунгача 170 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди.

Бозорда 880 та савдо ўринлари барпо этилаётган бўлиб, келгусида бир кунда 15-20 минг харидорга хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Яна бир қулайлик — «Саноатқурилишбанки»нинг 5 та терминал ва банкоматлари ўрнатилмоқда. Бу мижозларнинг пластик карточкалардан бемалол фойдаланишларига ёрдам беради. 4 та назорат тарозиси эса ҳудуднинг қулай нуқталарига ўрнатилмоқда.

Бозорнинг тўрт бурчагида бир-биридан шинам хусусий ошхоналар қад ростлади. Улар аллақачон мазали таомлари билан ўз мижозларини хурсанд қилмоқда.

— Ҳозир 15 нафар назоратчи ҳамда 5 нафар ходимларимиз мазкур бозорга бириктирилган, — дейди Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти аъзоси Бахтиёр Соипов. — Улар олди-сотди муносабатларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини кўзлаб иш юритишади, сотувчиларнинг ўз ишига ҳалоллик билан муносабатда бўлишларини таъминлашга ҳаракат қилишади.

Булардан ташқари, шаҳар ҳокимлиги томонидан Шароф Рашидов кўчасидан ер майдони ажратилмоқда. Бу майдонда автомашиналарга техник хизмат кўрсатувчи шоҳобча ташкил этиш режалаштирилмоқда.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Истеъмолчи:

## ҲУҚУҚИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

**Жамиятимизнинг ҳаёт тарзини белгиловчи қонунлар кўп. Аммо шундай қонун борки, ҳар бир фуқаро, шубҳасиз, у билан ҳар қадамда рўбарў келади. Бу — «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонундир. Чунки, ҳар биримиз истеъмолчимиз.**

Бу қонуннинг ижроси, унинг ишлаши ёки ишламаслиги айрим мутасаддиларгагина эмас, балки истеъмолчиларнинг ўзларига, уларнинг фаоллигига ҳам боғлиқдир.

Хўш, қонун фаоллашувининг асосий шарти нима? Бизнингча, энг аввало, уни барча истеъмолчилар яхши билиб олишлари керак. Чунки, ўз ҳуқуқларимизни билмай туриб, уни талаб қила олмаймиз. Аслида бу қонун халқимиз ҳаётини яхшилашда жуда муҳим аҳамиятга эга. У 1996 йилнинг 26 апрелида қабул қилинган бўлса-да, бугунга келиб, «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун шарҳи китоб тариқасида босмадан чиқарилгани ҳам бежиз эмас. Демак, ҳаётнинг ўзи унинг ишлашини таъминловчи механизм бўлишини тақозо этмоқда. Мазкур шарҳ қонун нормаларини оддий фуқароларга тўлиқ тушунтириб бериш мақсадини кўзлайди. Эндиликда аҳоли орасига кириб бориб, қонунни атрофлича тушунтириш, истеъмолчиларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқларини билиб олишларига кўмаклашишга эътиборни кучайтириш зарур.



Истеъмолчиларга енгиллик яратиш мақсадида Янгийўл шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти қошида «Ҳуқуқшунос қабули» ташкил қилинган. «Ишонч телефонлари» ишлаб турибди. Жойларда 30 та таянч гуруҳлари фаолияти йўлга қўйилган. Шаҳардаги деярли барча дорихоналарда «Истеъмолчилар бурчаги» мавжуд. Ҳафтанинг ҳар пайшанбаси «Истеъмолчилар куни» ҳисобланади.

Жамият ўз фаоллари шунингдек, бошқа жамоат ташкилотлари билан тузилган ҳамкорлик режасига кўра, Тошкент вилояти истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳудудий бирлашмаси буйруғига асосан, ош тузлари, нон маҳсулотларининг сифати ўрганиб чиқилди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш, дорихоналардаги аҳволни аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказилди.

Очиғини айтиш керак, коммунал, савдо, умумий овқатланиш, тиббий хизматга доир шикоятлар, оғзаки мурожаатлар кўпроқ бўлади. «Тиббий хизматларни олишда фуқароларнинг ҳуқуқлари», «Тиббий хизмат: бепул ва пуллик хизматлар нима?» деб номланган плакатлар ва рисолалар тарқатилди.

**Зоҳида МИРҲАЙДАРОВА.**



## КОРХОНАНИНГ УЛУШИ

**Қибрай туманидаги «Тошкент иссиқлик станцияси унитар корхонаси» мамлакатимиздаги электр қуввати ишлаб чиқарувчи йирик, салоҳиятли корхона ҳисобланади.**

Бугунги кунда республикамизда ишлаб чиқариладиган электр қувватининг 20 фоизи айнан шу корхона ҳиссасига тўғри келмоқда.

Янги йил муносабати билан фахрий нурчилар ва меҳнат илғорларининг машаққатли, айни вақтда шарафли хизматлари маъмурият томонидан муносиб эътироф этилди.

***СУРАТДА:** станция масъул ходимлари Шавкат Маҳмудов ва Надежда Линёва марказий бошқарув пульти ёнида.*

**Фазлиддин АБДУРАСУЛОВ олган сурат.**

## «ЁШЛИК» МЕБЕЛЛАРИ ХАРИДОРГИР

**Масъулияти чекланган мазкур жамият ишлаб чиқараётган мебель жиҳозлари, айниқса, дизайни бир-биридан фарқ қиладиган ўриндиқлар ҳавасингизни келтиради. Яхши ишлов берилган буюмлар бозори чаққон бўлмоқда.**

Уларнинг тури ўттизтага яқинлашиб қолди. Мижозларнинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинаётгани, маҳсулотларнинг сифати кўнгилдагидек бўлаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Бундай жиҳозларни тайёрлашда мебель саноати соҳасида етакчи мамлакатлардан бири Италия технологиясини қўллаш уларнинг кўримли, бежирим ва қулай бўлишини таъминламоқда. Бу замонавий дастгоҳларда ишлаб чиқарилаётган мебель буюмларини академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари кўплаб сотиб олмоқда. Уларнинг буюртмаси билан парталар ва ўқувчиларга мўлжалланган махсус ўриндиқлар тайёрланиб, етказиб берилмоқда. Кейинги ойларда шундай буюмлар Қашқадарё, Навоий ҳамда Фарғона ва бошқа вилоятларга жўнатилди.

Зангиота туманида бунёд этилиб, ўн йилдан зиёд вақтдан бери республикамиз бозоридаги рақобат шароитида шу турдаги корхоналар билан беллашиб, ўз маҳсулоти шуҳратини оширишга астойдил ҳаракат қилаётган масъулияти чекланган «Ёшлик» жамиятининг кичик, аммо аҳил ва иноқ жамоаси бу йил ҳам ўз фаолиятини янада кенгайтириш ниятида.

**Ўз мухбиримиз.**

# ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРГА ТАЯНИБ

**Истиқлолга эришганимиздан сўнг юртимизда умумтаълим тизимига эътибор кучайди. Кўплаб коллежлар, мактаблар қурилиб, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун давлатимиз томонидан катта-катта маблағлар ажратилди.**

Бўка туманидаги 4-мактаб биноси икки йил олдин маиший касб-ҳунар коллежига айлантириш мақсадида реконструкция қилинган эди. Замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланган коллежда бугун 640 нафар йигит-қиз тикувчилик, молия, ҳисобчилик, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сартарошлик ва декоратив косметология, ЭҲМ оператори, котиба-референт, радиотехника ва электр ускуналарини таъмирловчи каби ўндан ортиқ мутахассисликлар бўйича таҳсил олмоқда.

— 2005-2006 ўқув йилида коллежни 190 нафар ўқувчи тамомлайди, — дейди коллеж раҳбари Учқун Тошбоев. — Уларни ўз мутахассисликлари бўйича ишга жойлаш, ўқув юртларига кириб ўқишларини йўлга қўйиш мақсадида тегишли ташкилотлар, жумладан, Тошкент Ахборот-компьютер технологиялари институти, меҳнат биржаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорлик ўрнатганмиз. Ўқув амалиётларининг тумандаги пахта тайёрлаш заводида, банк, молия бўлимларида, тадбиркорлик субъектларида, шунингдек, радио-техника ва бошқа маиший устахоналарда ўтаётганлиги ўқувчиларнинг келажакда танлаган соҳаларида ўз ўринларини эгаллашларига яна бир имкондир.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# БУ ЙИЛГИ ИЛК ҚАДАМ

**Ўртачирчиқ туманидаги Қорасув пахта тозалаш заводи ҳомийлик ва хайрия тадбирларида мунтазам қатнашиб келади. Ҳар йили таълим-тарбия ва тиббиёт муассасаларига, ободонлаштириш ишларига, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилаларга, кексаю ёш ногиронларга баҳоли қудрат ёрдам берилади.**

Ўтган йили тумандаги 24-, 66-мактаблар, иккита болалар боғчаси таъмирланди. Бундан ташқари хайрия тадбирларига 1,5 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Бу ўтган йили кўрилган соф фойданинг салкам икки фоизини ташкил этади. Пахта тозаловчилар ҳар бир акция ҳисобига беш юз сўмдан дивиденд олдилар. Акцияни кўпроқ олганлар дурустгина фойда кўрдилар.

Ўз сафига 356 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган жамоа 17 минг 400 тонна «оқ олтин»дан тайёрланган салкам олти минг тонна толанинг 96 фоизи юқори сифатли бўлиб, унинг асосий қисми қатор хорижий мамлакатларга экспорт қилинди. Натижада ходимларнинг ўртача иш ҳақлари 90-100 минг сўмга етди. Бундан ташқари жамоа бепул кийим-бош билан таъминланаяпти. Шифокорлик пункти, 50 ўринли ошхона ва бошқа шу каби муассасалар уларга хизмат қилмоқда. Кунига уч маҳал бепул овқат берилаяпти.

Корхонада ўтган йили тайёрланган 26770 тонна «оқ олтин»ни қайта ишлаш бир маромда бормоқда. Ҳар куни 170-180 тонна пахтага ишлов берилиб, 50-55 тонна сифатли тола ва бошқа маҳсулотлар олинмоқда. Ҳозиргача 4,5 минг тонна сифатли тола ажратилиб, ички ва ташқи бозордаги буюртмачиларга юборилди. Бу йил юз миллион сўмдан ортиқ фойда кўриш мўлжалланмоқда. Бу эса хайрия тадбирлари ҳажмини янада кўпайтириш имконини беради. Шуни ҳисобга олган корхона жамоаси ўз оталиғидаги таълим-тарбия муассасаларига қўшимча яна бир ташкилот — Қорасув қишлоқ шифокорлик пунктига ҳам ҳомийлик қилишни зиммасига олди. Бу пахта тозаловчиларнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йилида хайрия тадбирларини янада кенгайтириш йўлидаги илк қадамлари бўлди.

**Собир ҲАМИДОВ.**





*СУРАТЛАРДА: корхона лабораторияси ходими Офтобхон Абдуллаева тола сифатини кўздан кечирмоқда; тайёрлов бўлими ишчилари Бахтиёр Розиқулов ва Абдусамад Ҳасановлар маҳсулот сифатини текширмоқда.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

## Ер эгаси эртага ким бўлади?

# АДОЛАТ — ХОЛИС МЕЗОН

— **Вилоятимизнинг тегишли туманларида амалдаги ислоҳотларнинг бориши қандай?**

— Хабарингиз бор, бу йил вилоятимиздаги 10 та туман бўйича зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли ва истиқболсиз 50 та ширкат тугатилиб, улар негизида 1774 та мустақил фермер хўжаликлари ташкил этилиши режалаштирилган. Бу хўжаликларга тегишли жами 78214 гектар, шу жумладан, 57283 гектар суғориладиган ер майдонлари вилоят ер ресурслари бошқармаси ва тегишли мутасаддилар томонидан ҳатловдан ўтказилиб, алоҳида массивларга бўлинган ҳамда уларга оид лойиҳалар тузилган. Жойлардаги қайта ташкил этиш комиссияларига 3784 нафар фуқаролар фермер хўжалиги ташкил этиш истагида мурожаат қилганлар. Якунланган йилнинг сўнгидаёқ, 22 та ширкат хўжаликларида танловларнинг уч босқичи якунланди. Қолганларида тендер танловлари давом этмоқда.

Шу ўринда мазкур жараённинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Аввалambor, даъвогарларнинг имкониятларини баҳолаш мезонлари анча такомиллаштирилиб, унда ҳақиқий деҳқон ҳақ-ҳуқуқлари муайян устуворликка эга бўлди. Унинг холис, ошкора, адолатли ўтиши учун ҳам қўшимча назорат ўрнатилган. Айниқса, жойларда тузилган жамоатчилик кузатув кенгашларига ҳам катта ваколатлар берилгани айни муддаодир.

Лекин, афсуски, бу борада айрим туманларда ушбу муҳим вазифани амалга оширишда жиддий нуқсон ва камчиликлар ҳам борки, бундан кўз юмиб бўлмайди.

— **Одамларда ишончсизлик туғдириб, жиддий эътирозларга сабаб бўлаётган ҳолатларни кўзда тутаяпсиз, чоғи?**

— Албатта. Президентимиз кўп бора таъкидлаганларидек, оддий одамлар ҳар қандай ўткинчи қийинчиликларни енгиб, муаммоларга дош беришлари мумкин. Аммо, адолат бўлмаса, ҳақиқат поймол этилаверса, бунга ҳар қандай онгли инсоннинг чидаб туриши мушкул. Таассуфки, хунук иллатларнинг тепасида турганлар анчайин ваколатли, мутасадди, мансабдор шахслардир.

Олиб борилган назорат давомида вилоят прокуратураси органлари томонидан тугатилаётган ширкат хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарлари, шунингдек, қайта ташкил этиш комиссиялари раисларидан иборат 120 нафардан ортиқ мансабдор шахслар ишда йўл қўйган камчилик ва нуқсонлари учун расман огоҳлантирилдилар. Қонунбузарлик ҳолларини бартараф этиш юзасидан ҳам 14 та мансабдор шахслар номига тақдимномалар киритилди. Учта жиддий қонунбузарлик юзасидан эса жиноят иши қўзғатилди.

Хусусан, фермер хўжаликларига айлантирилиши режалаштирилган Оққўрғон туманидаги «Озод» ширкат хўжалиги бошқарув раиси О. Эргашев ва бош ҳисобчи Ж. Мусабековлар хўжаликка қарашли 0,52 гектар ер майдонига эга дала шийпонини аъзоларнинг розилигисиз, қонунга зид равишда фуқаро Ф. Жумановага 3 миллион сўмга ноқонуний сотганликлари аниқланган.

Худди шу хўжаликнинг 9430 минг сўмлик чорвачилик фермасининг олди-сотди ишларида ҳам ваколатли идора вакиллари хизмат вазифаларини суиистеъмол қилганлар. Аниқроғи, Оққўрғон тумани суд ижрочилари бўлими катта суд ижрочиси И. Азимов фуқаро И. Жалpopованинг ҳужжатларини расмийлаштиришда 2,7 миллион сўм пулни пора тариқасида олаётганида вилоят прокуратураси ва тегишли идора вакиллари томонидан қўлга олинган.

Чиноз туманидаги тугатилаётган «Ўзбекистон» ширкат хўжалигида ўтказилган мониторингда маълум бўлишича, хўжаликнинг 3,7 миллион сўмлик 22 бош чорва моллари хўжалик мансабдорлари томонидан «туя» қилиб юборилган.

Бундан ташқари, Янгийўл туманида ҳам ширкатларни фермер хўжаликларига айлантиришда юқорида тилга олинган Президент қарори ижросида сусткашлик, қатъиятсизлик ҳоллари мавжуд. Энг ёмони, тумандаги тендер жараёнларида нохолисликка йўл қўйилаётганлигидир. Хусусан, фермерликка талабгор Гулбаҳор қўрғонида яшовчи фуқаро Ж. Омонбаев қишлоқ фуқаролар йиғини мутасаддилари ва бошқа мансабдор шахслар билан тил бириктириб, 39 бош қорамолга эгалик ҳақида сохта маълумотнома тайёрлатган ва уни «Тинчлик» ширкат хўжалигининг қайта ташкил этиш комиссиясига тақдим этган.

Ўтган йилнинг 20 декабрида бўлиб ўтган танловнинг биринчи босқичида хўжаликнинг 13- ва 15-лойиҳалари бўйича талабгор Ж. Омонбаевнинг сохта маълумотномалари тегишли тартибда ўрганилмаган ҳамда «Фермер хўжалиги юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида»ги махсус низом талабларига зид равишда инобатга олиниб, унга ҳар иккала лойиҳа бўйича 8 ва 10 баллдан баҳо берилган.

Қайд этилган барча ноқонуний хатти-ҳаракатлар учун тегишли туман прокуратуралари томонидан жиноий иш қўзғатилган ва айбдорлар қилмишларига яраша жавоб берадилар.

— **Қандай қилинса, муҳим жараёнда адолатлилик янада мустаҳкамланади, деб ўйлайсиз?**

— Аввало, қарс икки қўлдан чиқади, деган гапга амал қилиш керак. Жойлардаги комиссиялар талабгорлар билан очиқ-ошкора, ўзаро ҳамкор сифатида муносабатда бўлишлари лозим. Талабгор ўзига тегишли барча ҳақ-ҳуқуқларни билиши, ўрни келса, ҳимоя қила олиши жоиз. Чунончи, баъзи ҳудудларда фермер хўжаликларини ташкил этишда ошкоралик таъминланмаганлиги, тарғибот ишлари талаб даражасида олиб борилмаганлиги туфайли танлов комиссияларига ариза берганлар сони жуда кам эканини ҳам афсус билан қайд этиш керак.

Ўтаётган танловларда холислик, ошкоралик, қонунийликни таъминлаш фақат бир тизим идоралари зиммасидаги вазифа эмас. Аввало, ерлар ҳақиқий эгасини топишида маҳаллий аҳоли, қишлоқ, маҳалла оқсоқоллари, жамики мутасаддилар, талабгорлар жамоатчилик кузатув кенгашлари вакиллари муросасиз бўлишлари зарур. Боиси, барчамизни боқадиган, ҳаётимиз фаровонлигини таъминловчи бебаҳо омил аввало, мана шу заминдир. Унга ким эгалик қилади, унинг эртанги тақдири нима бўлади? Мана шу саволлар ҳеч биримизни бефарқ қолдирмаслиги лозим.

**«Тошкент ҳақиқати» мухбири**
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ**
**суҳбатлашди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

- **Вилоятда яна 1774 та фермер хўжаликлари ташкил этилади.**
- **Фермерларимиз сони 10000 дан ошади.**
- **Улар ихтиёрига яна 78214 гектар ер ўтади.**
- **Янгидан 40 та муқобил МТП, 23 та СФУ, 23 та мини-банк, 31 та минерал ўғит, 36 та ёқилғи-мойлаш, 5 та зотли молларни сотиш ва зооветеринария хизмати кўрсатиш, 5 та ахборот таъминоти ва консалтинг шахобчалари ташкил этилиши мўлжалланган.**

**Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида фермер хўжаликларини ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг эмин-эркин фаолият кўрсатиши учун зарур ҳуқуқий-иқтисодий асослар яратилган. Шу боис қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда фермерларнинг улуши тобора ортмоқда.**

# ФЕРМЕРНИНГ ОҒИРИ ЕНГИЛ БЎЛЯПТИ

Жойларда уларга хизмат кўрсатувчи мини-банк, муқобил МТП, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари, минерал ўғит, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари етказиб бериш шахобчалари каби инфратузилма объектлари ташкил этилаётгани фермерларга қўл келмоқда.

Айни вақтда пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинаётган маҳсулотларни фермерларга етказиб бериш тубдан яхшиланмоқда. Шу мақсадда жойларда уч юздан кўпроқ озуқа-ем, ёғ-мой маҳсулотларини сотиш шахобчалари очилди.

– Шу вақтга қадар деҳқонлар бундай маҳсулотларни харид қилиш учун узоқ йўл босиб чигитни қайта ишлаш корхоналарига қатнашар эди, – дейди "Ёғмойтамакисаноат" уюшмаси бошқарма бошлиғи Сайёр Убайдуллаев. – Эндиликда ёғ, шрот, шелуха каби маҳсулотлар фермерлар учун қулай жойларга, ҳатто уларнинг уйига етказиб бериляпти.

Шахобчаларда фермерлар учун зарур қулайликлар яратилган. Ҳозир шахобчалар 76 мингдан кўпроқ фермер хўжалиги ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарига хизмат кўрсатмоқда. Ўтган йили фермер хўжаликларига йигирма миллиард сўмликдан кўпроқ маҳсулот сотилди.

**Олим НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ҚЎШМА ЛОЙИҲА ҚЎЛ КЕЛМОҚДА

**Қибрай туманидаги «Солиҳ» фермер хўжалиги дастлаб иш бошлаганда 9 гектар ери ва 30 бош қарамоли бор эди, холос. Бугун мол туёғи 164 тага етди. Шундан 41 боши зотдор сигирлар бўлиб, ҳар биридан ойига ўртача 4000-4250 литрдан сут соғиб олинмоқда.**



Хўжалик Ўзбекистон-Америка-Исроил давлатлари қўшма лойиҳаси асосида ўз фаолиятини ривожлантиришга эътиборни қаратмоқда. Сутни қайта ишлаш цехларида ҳозир 8-10 хил сут маҳсулотлари тайёрланиб, пойтахтимиздаги меҳмонхоналарга, супермаркетларга етказиб берилаётир.

Фермер хўжалиги раҳбари Олимжон Хайитов яна бир катта ишга қўл урган. Пойтахт аҳолисига қишин-ёзин сархил сабзавот ва цитрус маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида 3,5 гектар майдонда иссиқхона қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Унинг ишга тушган 1,5 гектарида етиштирилган ҳосил харидорларга етказиб берилди. Шу билан бирга Исроил технологияси асосида қўшимча 100 бош қорамолга мўлжалланган бир қанча қулайликларга эга молхонанинг қурилиш ишлари бошлаб юборилди.

Ўтган йилнинг охирларида бу ерда республика фермерлар малакасини ошириш маркази биносига пойдевор қўйилди. У ишга тушгач, ҳар 45 кунда 20 нафар фермер ва бўлажак фермерлар ўз малакаларини ошириш имконига эга бўладилар. Марказда 20 кишига мўлжалланган ётоқхона, ошхона, компьютер ва машғулотлар ўтиш ҳамда дам олиш хоналари, спорт майдончалари бўлади.

**Ҳуррият МЎМИНОВА.**

# ИЛМИЙ АМАЛИЙ-АНЖУМАН

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП) Марказий Кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда "Ўзбекистон Республикасида ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари" мавзуида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

Партия марказий органлари, унинг парламентдаги фракцияси ҳамда Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг биргаликда олиб борган ҳаракатлари қисқа вақт ичида "Ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш имкониятини берди. Анжуманда айнан шу концепция ҳамда қонун лойиҳасининг тайёрланган ишчи нусхаси муҳокама қилинди.

**«Туркистон-пресс».**

# Тошкент вилоятидаги телефон алоқасидан фойдаланувчи абонентлар диққатига!

**Тошкент вилояти телекоммуникация тармоғидаги аналог телефон станциялар рақамли коммутацион станцияларга алмаштирилиши муносабати билан «Ўзбектелеком» АКнинг «Тошкент-Телеком» филиали 2005 йил 15 августдан амалга киритилган 125-1/1-сонли «Универсал телекоммуникация хизматлари тарифлари» нархномаси бўйича телефон алоқаси учун қуйидаги тўловлар белгиланганлигини эслатиб ўтади:**

**шаҳар телефон алоқаси учун 1 ойлик абонент тўлови — 665 сўм (180 дақиқа сўзлашув чегараси билан);**

**1 ойда 180 дақиқадан ортиқ сўзлашув учун ҳар бир тўлиқ ва тўлиқмас дақиқа миқдорига 2 сўм 20 тийин тўланади.**

**«Тошкент-Телеком» филиали маъмурияти.**

# ОЛАМДА НИМА ГАП?

## ЯПОН АСКАРЛАРИ ИРОҚНИ ТАРК ЭТАДИ

**Япония ҳарбийларининг Ироқни муддатидан аввал тарк этиши кутилмоқда. Расмий Токио ва Вашингтон ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг шундай қарорга келинди.**

Ўтган йил январида Япония парламенти Ироқда тинчликпарвар кучларнинг ваколат муддатини 2006 йилнинг 14 декабрига қадар узайтирган эди. Бироқ ушбу қарорга эндиликда ўзгартириш киритиладиган бўлди. Ас-Самовия шаҳридаги япон қўшинлари жорий йил май ойида ўз ватанига қайтиши мумкин. Бироқ, Ироқнинг бошқа қисмларидаги Япония ҳарбийлари йил охирига қадар Ироқда қолиши мумкин.

## ЯНА БИР ТЎФОН

Тинч океани томонидан келган кучли тўфон Австралиянинг шарқий соҳилларига хуруж қилди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, табиий офат оқибатида мамлакатнинг Квинсленд ва Янги Жанубий Уэльс штатларида 50 мингга яқин хонадон электр таъминотидан маҳрум бўлди. Қурбонлар тўғрисида маълумотлар йўқ.

Ҳозир талафот етган ҳудудларда қисман бўлсада, энергия таъминоти тикланди. Мутахассислар тўфон олиб келган кучли ёғингарчилик бир неча кун давом этишини тахмин қилаётир.

## НАВБАТДАГИ БОШ КОТИБ КИМ БЎЛАДИ?

**Шу кунларда БМТнинг навбатдаги Бош котиби ким бўлади, деган савол кўпчиликни қизиқтирмоқда. Бу борада турли қарашлар мавжуд. Масалан, БМТ Хавфсизлик кенгаши раиси танзаниялик Аугустин Махига ташкилотнинг кейинги Бош котиби Осиё минтақасидан бўлиши керак, деган фикрда. Унинг таъкидлашича, Осиё дунёда аҳоли энг кўп истиқомат қиладиган минтақадир. Шу боис ташкилотга ушбу қитъадан вакил раҳбарлик қилиши керак. Маълумотларга кўра, Осиёдан сўнгги бор БМТга 1961-1971 йилларда мьянмалик У Тан раҳбарлик қилган.**

Ҳисоб-китоб бўйича, амалдаги Бош котиб Кофи Аннаннинг ваколати 2006 йил декабрь ойида тугайди. Шунинг учун яқин ойлар ичида янги раҳбарни сайлаш бўйича кампания бошланади. Кўпчиликнинг фикрича ҳам Бош котиб бу сафар Осиё минтақасидан бўлиши лозим. Ҳозирги пайтда қитъадан бир неча сиёсатчи ушбу лавозимга муносиб номзод сифатида тилга олинмоқда. Улар орасида қуролсизланиш масалалари бўйича БМТ Бош котибининг собиқ ўринбосари шри-ланкалик Жаянтху Дханапалу, Таиланд бош вазирининг ўринбосари Суракиата Сатиентая, шунингдек, Корея Республикаси ташқи ишлар вазири Пан Ги Мун бор.

Бундан ташқари, Шарқий Европадаги қатор давлатлар ҳам БМТ Бош котиби лавозимида ўз вакилини кўриш истагида. Бунга сабаб Шарқий Европа минтақасидан шу пайтгача БМТ Бош котиби чиқмаганидир. Улар айни пайтда Польша президенти Александр Квасьневский ва Латвия президенти Вайра Вике-Фрайберга номзодини ушбу лавозимга муносиб кўраётир.

Янги аср, янги иқтисодий-сиёсий вазият дунё мамлакатлари билан бир қаторда, БМТдек нуфузли ташкилот олдига ҳам янги-янги талабларни қўймоқда. Шу сабаб олтмиш йилдан буён фаолият юритиб келаётган БМТнинг аҳамиятини, зиммасидаги вазифаларини янгитдан идрок этишга тўғри келмоқда. Ана шундай тарихий ўзгаришлар даврида эса ташкилотга раҳбарлик қиладиган шахснинг аҳамияти катта бўлиши аниқ. Зеро, БМТ низомида Бош котиб ташкилотнинг бош маъмурий лавозимли шахси сифатида тавсифланган. Бош котиб етакчи дипломат, фаол сиёсатчи, тинчликпарвар, хуллас, низомда кўрсатилган барча қадриятлар рамзи бўлмоғи даркор. Бу албатта катта куч, зийраклик ва ақл-заковат талаб қилади.

Таъкидлаш ўринлики, амалдаги Бош котиб Кофи Аннан ушбу лавозимни эгаллаган еттинчи шахсдир. Ундан олдин Бутрос-Бутрос Ғолий (Миср), Хавьер Перес де Куэльер (Перу), Курт Вальдхайм (Австрия), У Тан (Мьянма), Даг Хаммаршельд (Швеция), Трюгве Ли (Норвегия) шу вазифани бажарган.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

# ҚУРБОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм!

Азиз ва муҳтарам юртдошлар, барчангизни Қурбон ҳайити билан муборакбод этамиз.

Қурбон ҳайитининг файзу баракоти қалбларимизни ва хонадонларимизни мунаввар айласин. Бу улуғ байрам кунида ислом оламидаги барча мусулмон биродарларимизнинг қалблари равшан, диллари хушнуд, нигоҳлари муқаддас Каъбага қаратилган бўлиб, улар Аллоҳ таолонинг фазлу карамидан умидвордирлар.

Ислом дини кишиларни бир-бирига меҳру оқибатли бўлишга чақириш билан бирга, уларни динидан, миллатидан қатъи назар ўзаро иззат-ҳурмат кўрсатишга ундайди. Қуръони каримда «Аллоҳга ибодат қилингизлар ва унга ҳеч нарсани шерик қилмангизлар! Ота-оналарга эса яхшилик қилингизлар, шунингдек, қариндошлар, етимлар, мискинлар, қариндош қўшни ва бегона қўшни, ёнингиздаги ҳамроҳингиз, йўловчи (мусофир)га ва қўл остингиздаги (қарам)ларга ҳам (яхшилик қилинг!)» (Нисо сураси 36-оят) дейилган.

Маълумки, бундай улуғ кунда барча мусулмонлар бир-бирларини байрам билан қутлаб, табаррук кексаларимизга имон, ёшларга узоқ умр, тавфиқу рушди ҳидоят тилашади. Қариндош-уруғлар, ёру биродарларни зиёрат қилишади. Яқинлари ва беморларнинг ҳолидан хабар оладилар. Бирор сабабга кўра аразлашган, гина-кудуратли танишбилишлар ҳам ҳайит кунларида ўзаро узр сўрашиб, бир-бирларига қучоқ очадилар.

Қурбон ҳайити кунларида адо этилган амалларнинг барчаси мўмин-мусулмонлар ўртасида меҳр-мурувват ришталарининг янада мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ҳадисларда жумладан, шундай дейилади: «Кимда ким бир биродарига енгиллик яратиб берса, Аллоҳ унга қиёматда енгиллик беради». Қуръони каримда зикр этилган «Ҳайрли, савобли ишларда бир-бирингиздан ўзишга шошилинг!» деган чақириғига ижобат қилиб ҳайрли ишларга шошилганларгина мана шундай фазилатга эга бўлади.



Азиз биродарлар! Мана, бир неча йиллардан бери ҳукуматимиз томонидан ижтимоий ва иқтисодий ҳаётимизнинг бирор йўналишига кўпроқ эътибор қаратиш ҳамда бу соҳани янада ривожлантириш мақсадида кириб келаётган йилни бирор ном билан аташ анъанага айланиб қолди. Анъанага содиқ қолган ҳолда Президентимизнинг 2006 йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилишлари жуда муҳим ҳайрли иш бўлди, дейиш мақсадга мувофиқдир. Чунки, бунинг замирида миллат тан сиҳати ва келажак авлоднинг саломатлиги ётибди. Шундай экан, барчамиз ўз саломатлигимиз ҳақида қайғуриш билан бир қаторда ён-атрофимиздагилар, яқинларимиз, ҳатто, таниш-нотанишлар саломатлигига беэътибор ва бефарқ бўлмаслик мусулмонлик бурчларимиздан эканини унутмаслигимиз керак.

Қуръони карим оятларига уйғун бўлган ҳомийлик ва саховат деган тушунчалар маъносини Юртбошимизнинг ҳомий қандай одам эканлигига берган таърифларидан билиб олиш мумкин: «Ҳомийлик фақат ўз бойлигидан бир қисмини хайр-эҳсон учун ажратиш эмас, бу закот ҳам эмас, садақа бериш ҳам эмас. Ҳомийликни биз инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси деб биламиз. Яъни ҳомий деганда, ён-атрофдаги бева-бечораларга, етим-есир, муҳтож кишиларга кўмак ва моддий ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, қадрдон қишлоғи ёки шаҳрини обод қилишга интиладиган, бир сўз билан айтганда, савоб иш қилиб яшайдиган инсонларни тасаввур этамиз».

Ҳеч шубҳасиз, юраги ва қалби тоза, ўзгалар учун фидойи бўлиб яшашни ўзининг ҳаётий эътиқодига айлантирган одамгина бундай савобли ишларга қодир бўлади.

Расулуллоҳ (с.а.в.) биз умматларини меҳр-мурувватли бўлишга буюрар эканлар, ўзларининг «Кимки бирор кишини яхши ишга далолат қилса, унга ўша яхшиликни бажаргани савоби берилади», (Имом Муслим ривояти) деб айтган марҳаматлари билан ўз вазифаларини адо этдилар.

Шундай фазилатли айёмда Қурбон ҳайити барчамизга муборак бўлсин, гўзал диёримизни турли бало-офатлардан Яратганнинг ўзи асрасин. Юртбошимизнинг жамиятимиздаги аҳиллик, бағрикенглик, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига муваффақиятлар, халқимизга хотиржамлик, фаровонлик ва қут-барака ато этишини ҳамда мустақиллик шарофати ила ҳозирда Саудия Арабистонининг Арафот, Муздалифа, Мино водийларида Ҳаж амалларини ўтаётган биродарларимизни, ватанларига улкан савоблар билан соғ-саломат қайтишларини тилаб қоламиз.

Аллоҳ таоло юртимизга осойишталик, халқимизга файзу баракот ато этсин! Қурбон ҳайитингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

**Абдурашид қори БАҲРОМОВ,**
**Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий.**

*Китобингизни ўқидим*

# СЎЗ АЙТМОҚ БАХТИ

**Шеъриятни нимага қиёс этиш мумкин? Дарёгами? Шамолларгами? Мавжларгами? Адоғи йўқ йўлларгами? Шеърият бир қарасанг, ҳамма мавжуд нарсаларни ўзида мужассам этгандек. Бир қарасанг, уларнинг бирортасига ўхшамайдиган олам!**

Бу оламнинг ҳам митти, аммо бақувват устуни бор. Унинг номи юрак! Демак, шеърият энг аввало юракнинг мулки. Юрак ҳар бир шеърни, ҳар бир сатрни ўзига хос қилиб куйлайди. Ҳар бир янги назмий тўпламни қўлимга олганимда доим шу фикрлар кўнглимдан кечади. Шавкат Туробнинг «Чироғи ёниқ уй» китобини ўқиганимда ҳам шундай бўлди.





Сўзбошида муаллиф ёзганидек, ушбу мажмуа бешинчи тўплам. «Тасаввур», «Таассурот», «Дориломон кунлар», «Тоза шамол» китоблари ўз вақтида чоп этилиб, ўқувчисига бориб етган эди. «Чироғи ёниқ уй» тўпламига ҳам шундай тақдир насиб этармикин?!

Бир донишманд «Шеър азоб билан ёзилади, лекин роҳат қилиб ўқилади», деган экан. Шоирнинг улуғлиги ҳам шундаки, ижод заҳматини ўзига олиб қолиб, роҳатини муштарийларга илинади.

Китобнинг мундарижаси ранг-баранг: улар орасида ижтимоий, маиший, ишқий, фалсафий мазмундаги битиклар талайгина. Уларни ўқиб, донишманднинг сўзлари қанчалар ҳақ эканлигига яна бир карра амин бўламиз. Келинг, «Сўз ҳақида сўз» шеърини ўқийлик.

*Сўз — муддао, демак*
*ягона Худо,*
*Муҳаббат сингари*
*суюкли дилдор.*
*Фикрат қопқасини*
*қоқамиз бедор,*
*Сўз айтмоқ бахтидан*
*бўлмайлик жудо.*

Беихтиёр ҳазрат Навоийни эслаймиз: «Сўз айлади инсонни жудо ҳайвондин...» Сўз шунчалар муқаддас, табаррук. Сўз кулдиргувчи, сўз ўлдиргувчи, сўз тирилтиргувчи...

Умуман, «Чироғи ёниқ уй» тўпламига кирган шеърларда инсон ва ҳаёт манзаралари мукаммал чизилгани билан диққатга сазовордир.

Сўзимнинг бошида «Чироғи ёниқ уй» муаллифнинг аввалги китоблари каби ўз ўқувчиларини топармикин, деб эдим. Унга шундай қисмат, албатта, ёр бўлади.

Шавкат Туробнинг ушбу шеърий китоби умрининг олтмишинчи довонига етиб келган инсоннинг қалб кечинмалари, ҳаётдан ризолиги десак, тўғри бўлади. «Чироғи ёниқ уй»га кирган шеърлар биттадан шамга ўхшайди. Бу шамлар кўнгил оловидан шуълаланган. Мана шунинг учун ҳам шеърият уйининг чироғи ўчмайди, дейишга журъат қилдик. Сўз айтмоқ бахти эса шоирни сира тарк этмасин.

**Темур УБАЙДУЛЛО,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

*Шундан кейин*

## ЭНГ БАХТЛИ ОДАМЛАР



Энг бахтли одамлар Мальтада, энг бахтсизлар эса Зимбабве ва Украинада яшайдилар. Роттердамлик Эразм номидаги университет профессори Рут Винховеннинг навбатдаги йиллик тадқиқотлари хулосаси шундай. У жаҳоннинг 90 мамлакатида истиқомат қилувчи юз мингга яқин кишидан олган жавобларига таяниб, ўзининг «шахсий ҳаётдан қониқиш индекси»ни тузиб чиқди.

## БЕГОНА МИКРОВУЖУД

Бундан тўрт йил муқаддам Ҳиндистонда топилган микровужудларнинг пайдо бўлиш тарихи Ер билан боғлиқ бўлмаслиги мумкин. Журналлардан бирида чоп этилиши кутилаётган мақола йирик метеоритнинг заминимиз билан тўқнашувидан сўнг ёққан «қизил ёмғир» тадқиқоти натижаларига бағишланади. Мазкур мақола ҳали дунё юзини кўрмаёқ астробиологларнинг кескин танқидига учраяпти.

## БОТҚОҚДА XXIII АСР

Ирландия ботқоқларидан бирида археологлар икки кўҳна одам қолдиқларини топишди. Улар темир асрида яшашган — топилдиқлар ёши олимлар тахминига кўра 2300 йилга тенг. Жасад соҳибларининг бири ҳозирги «ирокез» русумида соч турмаклаш учун махсус «гель» (унинг таркиби ҳақида ҳеч нарса дейилмаяпти) ишлаётган экан.

## ЭПЧИЛЛАР ҲАМ ТОЯДИ



Эльбрус этагида 4680 метр баландликдан жарга қулаган икки альпинистни қутқариш ишлари якунланди. Улар қулаш пайтида турли даражада жароҳатланишган. Қаттиқ лат еган альпинистларнинг бири 8 январь куни Безенга қутқарув базасига олиб келинди. Унинг аҳволи нисбатан дурустроқ шериги эса, пастга ўзи юриб тушганлиги хабар қилинмоқда.

## НАҲАНГЛАР ҲАМЛАСИ

Сузаётган одамга наҳанглар тўдаси ҳужум қилгач, Австралия ҳукумати мамлакат шарқидаги бир қатор пляжларни ёпишга қарор қилди. Йиртқич балиқлар ҳамласига дуч келган қиз қирғоқдан ўн беш метрча нарида сузаётганди. Уни зудлик билан вертолётда Брисбен шифохонасига келтиришганига қарамай, жароҳатлари оғирлигидан жон берди. Ҳамла қилган наҳанглар олтижабрали деб аталувчи акулалар эканлиги таъкидланаяпти.

*Футбол*

# РАҚИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**Осиё футбол конфедерациясининг Малайзия пойтахти Куала Лумпурда жойлашган бош қароргоҳида 2007 йилги қитъа чемпионатининг саралаш босқичи мусобақаларига қуръа ташланди.**

Мазкур қуръа натижаларига кўра Ўзбекистон терма жамоаси «Ф» гуруҳидан ўрин олди. 2004 йили Хитойда бўлиб ўтган Осиё чемпионатининг финал қисмида ҳамюртларимиз чорак финалга қадар муваффақиятли етиб бориб, унда Бахрайн термасига пенальтилар сериясида имкониятни бой бериб қўйган эдилар. Бу сафарги мусобақанинг саралаш босқичида футболчиларимиз Қатар, Гонгконг ва Бангладеш терма жамоаларига рўбарў келишади. Ушбу гуруҳда Ўзбекистон терма жамоаси фоварит, дея эътироф этиляпти. «Ф» гуруҳидаги терма жамоаларнинг сўнгги йиллардаги натижаларини инобатга оладиган бўлсак, Қатар терма жамоаси юртимиз футболчиларига жиддий қаршилик қилишлари мумкин. Жаҳон чемпионатига чиқиш учун плей-офф баҳсларида Ўзбекистон терма жамоасини саралашдан чиқариб юборган баҳрайнликлар эса шу йилдан эътиборан АФК таркибига кирган Австралия ҳамда Қувайт ва Ливан терма жамоалари билан «Д» гуруҳидан ўрин олди. Терма жамоамиз дастлабки беллашувни 22 февраль куни Тошкентда Бангладеш термасига қарши бўладиган учрашув билан бошлайди. Эслатиб ўтамиз ҳар бир гуруҳда биринчи ва иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар 2007 йили Таиланд, Вьетнам, Индонезия ва Малайзия мамлакатларида ташкил этиладиган ўн тўртинчи қитъа чемпионатининг асосий мусобақасига йўлланма оладилар.

**Рустам ҲАЙДАРОВ,**
**«Туркистон-пресс».**

*Мозийдан ҳикоя*

# САХОВАТНИ БАХТ ДЕБ БИЛГАНЛАР

... Ўшанда осуда кунлар ўрнига таҳликали, «ур-йиқит» замон бошланди. Болшавойлар бой-камбағалнинг мол-мулкини тортиб ола бошлаган, аксарият ўзига тўқ кишилар қулоқ сифатида узоқ-узоқлардаги совуқ ўлкаларга бадарға қилинаётган эди.

Қўқоннинг кўзга кўринган бадавлат кишиларидан бири саналмиш Аҳмадбой ўзларини «қизил»лар деб эълон қилганлар тажовузидан омон қолишнинг ягона йўлини охири ўйлаб топди. Бунга оқила аёли Саҳобат бибининг илтижолари ҳам далда бўлди.

— Бу кунлар ҳам ўтиб кетар, — деди кўзида ёш билан оқшом кунларининг бирида завжаси, — сизни сургун қилганларидан кўра, Ҳаж сафарига отланганингиз маъқул бўлармикан? Биз норасидангиз Аъзамжон билан бир кунимизни кўрармиз...

Мол-мулкининг бир қисмини мискин-бечораларга улашган Аҳмадбой оиласига ҳам бир йилга етадиган сармоя қолдириб, Ҳаж сафарига йўл олди. У «Қайтиб келгунимча бу талатўплар ўтиб кетар», деган ўйда эди.

Аҳмадбой тўғри йўлнинг хатарли эканини олдиндан сезгандай, отининг бошини кимсасиз чўл томонга бурди. Мақсади — Термиз орқали Афғонистонга ўтиш ва бирор карвонга қўшилиб олиш эди.

У ўн беш кун деганда, Амударё бўйига етиб келди ва егулик олиш мақсадида Термиз бозорига кирди. Ўша йиллари ҳамма жойда хўроз бир хил қичқирар, бу ерда ҳам одамлар оч-юпун, таҳлика ичида кун кечирарди.

Дастлаб унинг кўзи тушган қайғули манзара бутун ўй-фикрини остин-устун қилиб юборди. Воқеа эса мана бундай бўлганди:

Бошидаги саватда нон кўтариб бозор дарвозасидан кириб келган мўйсафидга чор тарафдан 5-6 нафар болакай баб-баравар ёпишиб кетишди. Шу пайт кутилмаганда чолнинг бошидаги сават ағдарилиб, нонлар ерга сочилиб кетди. Ҳалиги болакайлар эса жон ҳолатда қўлига илинган нонларни олиб, расталар орасига яширинишди. Болаларнинг кичикроғини тутиб олган аламзада мўйсафид уни калтаклай кетди. Болакай эса очиққанидан калтакка ҳам парво қилмай, нонни бурдалаб оғзига тиқарди...

Бу ҳолга чидолмаган Аҳмадбой отдан тушиб, муйсафиднинг қўлидан болани ажратиб олди:

— Биродар, болани урманг, нонингизнинг пулини ўзим тўлайман.

— Буларнинг ёнини олманг, меҳмон, — деди мўйсафид йиғламоқдан бери бўлиб, — менинг раҳмим келмайди, дейсизми?! Лекин менинг болаларимга кимнинг раҳми келади?!

Аҳмадбой қолган нонни савати билан сотиб олди-да, ўша ердаги супачага қўйиб, ҳалиги болаларни чақирди. Кўп ўтмай, 10-15 чоғли бола нотаниш одамнинг атрофига тўпланишди.

— Ота-оналаринг борми, қаерда турасизлар, болаларим? — деб сўради Аҳмадбой уларнинг абгор уст-бошига разм соларкан.

— Амаки, — деди улардан ёши каттароғи супа устига тўкилган нон увоқларини битта-битта териб оларкан, — биз етимхонаданмиз. У ерда оч болалар жуда кўп...

Аҳмадбой узоқ ўйлаб ўтирмай, хуржуннинг икки кўзини нонга тўлдириб, етимхонага йўл олди. Эгри-бугри кўчалардан ўтиб боракан, ўзича ўйлади: «Шунча етим болаларни кўзим қийиб, қандай қилиб Ҳажга бораман?! Шундай қилсам, Ҳажим қабул бўлармикан?! Қандай йўл тутганим маъқул?! Борди-ю, Ҳажга атаган ақчаларимни етимхонага топширсам, қайтиб боргач, ҳамқишлоқларим устимдан кулишмасмикан?»

Аҳмадбой етимхонада ўзи кутганидан ҳам бешбаттар аҳволнинг устидан чиқди. Узоқ иккиланишдан сўнг Ҳажга етиб келганини, излаган савобини шу ердан топиши мумкинлигини тушуниб етди.

Нотаниш одамнинг хайру эҳсонидан довдираб қолган етимхона бошлиғи унга нима дейишини билмасди.

— Шу етимларнинг насибаси тортгани учун бу ерларга келиб қолгандирман, эҳтимол? — деди қилган ишидан мамнун бўлган Аҳмадбой. — Ҳали дориламон кунлар келади. Фақат болаларнинг кўнгли бутун бўлиб ўсса, бас! Мен розиман.

Орадан бир неча кун ўтиб, Аҳмадбойнинг тантилиги тўғрисидаги гаплар атрофга овоза бўлди. Буни эшитган имон-эътиқодли, бадавлат одамлар етимхонага ҳадялар билан кела бошлашди.

Улар Аҳмадбойни қўярда-қўймай меҳмонга чақиришар, унга энди ҳамма ҳожи, деб мурожаат қилардди.

Шундай қилиб, куз ортидан қиш ҳам ўтди. Аҳмадҳожининг Қўқонга қайтадиган вақти ҳам келди. Уни уйига кузатишаркан, хуржунини егулик, мева қоқилари, нон, сув мешлари билан тўлдиришди. Яна бир отнинг хуржунига Дашнободнинг энг сара анор ва Деновнинг серҳосил хурмо кўчатларидан ортишди.

Термиз бойларидан Тошмуродбой Аҳмадҳожига яқин бўлиб қолгани учун ёр-дўстлари билан қадрдонини Китоб довонигача кузатиб келди.

Аҳмадҳожи вайронага айланган Қўқондан бола-чақасини тополмади. Уйини эса шўролар идорага айлантиришибди.

Одамларнинг гапига қараганда, ўшанда уни тутиб келиш учун бешўн отлиқ йўлга чиққан-у, лекин изини йўқотиб қўйгани боис ортга қайтишган экан. Уйдан ҳайдалган онабола эса қариндошларникида қўним топишган. Бироқ, у ерда ҳам тинчлик беришмагач, Тошкентга пиёда йўлга чиқишган. Ундан кейин нима бўлганини ҳеч ким айтиб беролмайди.

Ноилож қолган Аҳмадбой кўчатларни қариндошларига бўлиб бериб, отнинг бошини Тошкент томонга бурди. Аммо, узоққа боролмади. Авахтада бир ойча сақлаб, Херсон областига қулоқ қилиб, жўнатиб юборишди.

Уруш арафасида оғир касалга чалиниб, оғзида битта ҳам тиши қолмаган, оғир меҳнатдан букчайиб қолган Аҳмадҳожи сургундан қайтиб келди. Бир вақтлар ўзи олиб келган кўчат меваларини йиғлаб-йиғлаб кўзларига суртди-ю, лекин ейиш насиб этмади. Шу кўйи ўғли Аъзамжоннинг қўлида жон берди.

Лекин Аҳмадҳожининг номи ўчмади. Қўқонликлар серҳосил анор ва хурмо дарахтларини олиб келган бу инсонни ҳозир ҳам ҳурмат билан эслашади.

**ТАҚДИР КЎЧАЛАРИ**

Гоҳ пиёда, гоҳ ўткинчи аравада, бир амаллаб Тошкентга етиб келган она-болани қариндошлар хушламайгина қарши олишди. Айниқса, уларнинг қуруқ қўл билан келгани ҳеч кимга ёқмади. Устига-устак, келасолиб қорни оғриётганини айтишга истиҳола қилган Саҳобат биби кўричаги ёрилиб кетгани сабабли орадан икки кун ўтмай вафот этди. Эндигина етти ёшдан ошган Аъзам Чорсу бозорида одамларнинг хизматини қилиб, қорнини тўйдириб юрди.

Кунлардан бирида Каллахонадан бозорга қайриладиган муюлишда кетаётган одамнинг ҳамёни тушиб қолди. Аъзам уни очиб қараса, ичида анчагина пул ва тилла тангалар бор экан. У ҳамён эгасига етиб олди-да, ҳамёнини қўлига тутқазди.

— Мен ҳамёним тушиб қолганини билганим йўқ эди, — деди амаки мийиғида кулиб. — Ўзингга олсанг ҳам бўларди?

— Онам ўлими олдидан менга, ўғлим ҳалол яша, бировнинг ҳақини ема, чунки сенга бетаҳорат кўкрак бермаганман, деганлар.

— Отанг, уйинг борми ўзи, болакай? — деди амаки энди астойдил ачиниб.

— Отам Ҳаж сафарига кетганларича, қайтиб келганлари йўқ. Қариндошларникида сиғиндиман.

— Ўзим ўйлагандай бўлиб чиқди, — деди амаки негадир уни бағрига босиб. — Сени анчадан бери бозорда кузатиб юрувдим. Бугун ҳамённи атайлаб туширувдим, чунки сени синаб кўрмоқчи эдим. Ҳалол бола экансан. Хоҳласанг, ўзимга ўғил қилиб оламан, хоҳламасанг, ёрдамчи қилиб оламан. Тушундингми борвур, широғим. Атим Пейсенбай, ўзим қазақмин.

Шундай қилиб, Чорсу бозоридаги кичкина дўкончада тахтачой билан савдо қиладиган Пейсенбой ака етимнинг раҳмини еди. Хотини, бола-чақаси Чимкентда яшагани сабабли, Аъзамга қаттиқ меҳр қўйиб қолди. Қанчалик ҳаракат қилмасин, отасининг ўлгани ҳақида ҳужжат бўлмагани учун Аъзамни фарзандликка ололмади. Пейсенбой уни мактабда, кейин қишлоқ хўжалиги институтида ўқитди. Соғлиғи ёмонлашгач, уйини Аъзамжоннинг номига ўтказиб, бутунлай юртига кўчиб кетди.

Ўқишни тугатгач, Аъзамжон тақсимотга мувофиқ Бўка туманидаги ҳозирги «Паркент» ширкат хўжалигига бўлим агрономи бўлиб борди. Қозоқ қизи Айгулга уйланиб, уйли-жойли бўлди. Саидислом дунёга келди. Бир умр пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилди. «Пахтани қўшиб ёзгансан», деган айб билан узоқ вақт авахтада ётиб, соғлиғи ёмонлашди. Уйига қайтиб келгандан сўнг бандаликни бажо келтирди.

**Рустам ХУДОЙҚУЛ.**

# ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

**Агар хамиртурушли хамир сутда эмас, қатиқда қорилса, у янада енгил бўлиб кўпчиб чиқади.**

* * *

**Тухумнинг фақат оқини ишлатиш зарур бўлса, сариғини сувли стаканга солиб қўйиш мумкин. Бундай ҳолда у музлатгичда узоқ сақланади.**

* * *

**Унни ишлатишдан аввал, албатта, элакдан ўтказиш лозим, бунда ун ҳаво билан тўйинади. Натижада тайёрланган таом енгил, юмшоқ бўлиб пишади.**

* * *

**Творогли пирогни пишираётган вақтда устида ёриқлар пайдо бўлмаслиги учун уни совуқ духовкага солиб, сўнг оловни ёқиш керак.**

* * *

**Балиқни 30 дақиқага қайнатилган сувга солиб, сўнг қуруқ сочиқ билан артиб ташласангиз, осон тозаланади.**



## Об-ҳаво

Гидрометеорология бош бошқармасининг хабар беришича, 10 январь куни Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғингарчилик бўлади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 0-2 даража совуқ, кундузи 0-2 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Айрим жойларда шамолнинг тезлиги кучайиб, секундига 15-20 метрга етади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ бўлади.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-58-85, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.



● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.



Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-342. Адади 12342. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.30. 1 2 3 4 5